



PERSONAL EDUCATION IS A MAIN BASIS OF SOCIETY'S DEVELOPMENT

Juraev Abrorjon Adhamovich

Psychologist of the 8th school of Bogdod district of Fergana region,

Khusanova Mubarakhon Ahmadjonova

Psychologist of the 36th IDUM of Fergana region, Yazyavan district

djuraevabrорjon @ .meil.ru

Annotation:

Self-awareness is a key issue in personal development. Having an independent mind shows the importance of a person in the decision-making process. In a developed society, being an independent thinker is a requirement of the times. The development of thinking also plays an important role in speech activity.

Keywords: education, society, mind, need, development, responsibility, concept, creative thinking, perception

Одимлаб бораётган жамиятда фан ва техниканинг тараққиёти, тадбиркорлар синфларининг кўпайиши, экологик таҳдидлар, диний экстремистлар оқимлар фаолияти мустақил фикрлашни ўрганишга эътибор қаратишимиз лозимлигини кўрсатади. Чунки ҳозирги вақтда агар ҳар бир қарорлар қабул қилишга эҳтиётлик билан ёндашмас эканмиз, у бизга маълум муддатдан сўнг қимматга тушиши мумкин.

Шу ўринда, буюк файласуф Андре Жид ҳам «Эркин фикрлаш имкониятига эга бўлиш учун энг аввало хатти-ҳаракатларимиз оғир оқибатларга олиб келмаслиги кафолатига эга бўлмоқ лозим» - деган эди.

Дарҳақиқат, эркинлик, демократия ўзига ҳаммани бўйсундирмаслиги, ҳаммани забт этмаслиги, балки у ақл-идроқка бош эгиши, унинг йўриғида юриши лозим. Ана шундан келиб чиқиб, биз энг аввало эркинликни, демократияни тарбиялашимиз керак. Чунки, у соғлом фикрлаш ва шаклланган ақл –идроқ таъсирида бўлсагина бизни тарбиялаши, жамиятни соғломлаштириши мумкин. Аксинча эмас.

Фикрни самимий, ишончли далиллар асосида тушунтира билиш тарбия таъсирчанлигини оширади.

«Ижодий тафаккур қўйилган амалий ва назарий вазифаларни янги усуллар билан ҳал қилиш, онгимизда янги усуллар билан ҳал қилиш, онгимизда янги тасаввур, тушунча ва ҳукмлар ҳосил қилиш, муайян янги нарса яратиш билан боғлиқ бўлган мураккаб тафаккур процесси».

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош йўналишини - давлат, жамият ва оила олдидаги маъсулиятини англаб етадиган, мустақил фикрлай оладиган, ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳимоя қила оладиган шахсни тарбиялашга қаратилганлигидир.

Инсонни тарбиялаш нозик, ниҳоятда катта диққат эътибор талаб қиладиган ички зиддиятли



жараёнди. Бу ўринда, ўсаётган киши шахсининг қайси йўллар билан шаклланиб бараётганини эътибордан четда қолдирмай кузатиб, тахлил қилиб боришимиз ва албатта, юзага келган камчиликларга барҳам беришимиз зарурдир.

Бир нарсани эътибордан қочирмаслик лозимки, ўспирин ўзининг такрорланмас мукаммаллигини, бошқаларга ўхшамаслигини англаш билан бирга яққалик, ўзгалардан ажралиб қолиш, ички кечинмаларини ечишда бир ўзи рўбарў бўлиб қолишдан чўчиш уни қийнайди. Бу ҳолат уни бошқалардан алоҳида бўлишга интилишига олиб келади. Ундаги болаликдаги одатлардан қутулишга бўлган кучли интилиш билимга интилишни, ўзини билишга бўлган қизиқишни оширади. Ўспириндаги ўзи ҳақидаги тасаввур албатта, бошқаларга, айниқса, ўзини тушунишни истаган киши билан солиштиришга эҳтиёж сезади. Ўспиринлардаги ўзини тасвирлаш, ўзига баҳо бериш ёш ўтиши билан маълум сифатларни ҳамда маълум мезонларни танлаш билан характерланади. Оқибатда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида эътиқод, савия, ақлий қобилият, эмоция ва ирода каби ҳислатларга муносабат кескин ошади. Шу билан бирга меҳнатга ва бошқа кишиларга бўлган қизиқиш кучайиб, шахс сифатларига баҳо беришда алоҳида шахсларга эмас, умуман, инсоний сифатларга эътибор кучаяди. Шу асосда ўзига тавсиф бериш умумлашиб, айрим сифатларга алоҳида ёндошиши, уларни ҳурматли кишилар сифатлари билан таққослашга эътибор бериш кучаяди. Ўз-ўзини англаган ва билимларни чуқур ўзлаштирган болаларгина комил инсон сифатида тарбияланадилар. Бола ўзининг яширин фикрларини аввало ота-онасига хусусан онасига билдиради. Оиладаги ўзаро муносабатлар ғоят нозик ва қалтис ишдир. Чунки у жамиятнинг қариндошлик ришталари билан жипсланган дастлабки ячейкасига дахлдордир. У ерда оила ичидаги ўзаро муносабатлар амалга ошади, ота-онанинг тарбиявий вазифалари белгиланади. Болаларда ижобий таъсир кўрсатиш учун шароит вужудга келади. Шахсдаги комиллик энг аввало унинг фикр, тафаккур эркинлигини англашидадир. Шунинг учун ҳам Абдулла Авлоний фикр тарбиясига лоҳида эътибор қаратади. Унинг таъкидлашига кўра: “Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, ҳайратлик бўлишига сабаб бўладур”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёев Буюк келажакимизни олийжаноб ва мард халқим из билан бирга курамиз. Тошкент.:Ўзбекистон, 2016
2. Турғунов + «Русча-ўзбекча психология терминларининг изошли луғати» Тошкент «Ўқитувчи» 1975
3. А.Авлоний. туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: 1992. б.13
4. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин. Э.З.Усмонова. Т.: ТДПУ. 2000.
5. Ақлий истеъдод ХХI асрнинг энг қимматли мулкидир. Б.Р.Қодиров. Т.: ТДПИ. 1999.